

МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ!

Иқтибос

Мен бугунгача Президент фаолиятига оид унлаб мақолалар ёздим. Бироқ уларнинг ҳар бирига нуқта қўйганимда, унинг фаолиятининг яна бир неча муҳим жиҳатлари назардан четда қолиб кетганини англайман.

Бу табиий! Зотан, бугун у бошчилигида кечаётган жараёнлар қўзғувчи таҳлилчилардан худди унинг ўзидек ҳаракатда доимий бардавонликни, тинимсиз изланишни, ишлашни талаб этади.

Ҳа, Шавкат Мирзиёев — фавқулодда ҳассос шахс. Унинг бунёдкорлик қудратини, ўз халқига, қолаверса, инсониятга ва ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатини бугун ҳамма кўриб турибди.

...Нафсиларини айтганда, мавжуд ва бир неча ўн йиллардан буён ҳукмрон бўлган муҳитни, шароитни ўзгартириб, халқ ҳаётини янги, нурли манзилларга буриб юбориш дунё давлатчилиги тарихида жуда кам одамларга насиб қилган. Ўз навбатида, халқ ҳам мудом шундай йўлбошчилар, Сардорларга эҳтиёж сезганини тарихдан яхши биламиз.

Шу маънода гапирганда, бугун жамиятда, одамлар орасида меҳрга йўғрилган бир истилоҳ пайдо бўлдики, у сингдирилган ё уқтирилган эмас, балки самимий бир эътирофдир. Халқнинг, одамларнинг ўз Президентига билдираётган самимий дил изҳоридир.

Бу қарийб юз йил давомида халқ томонидан давлатга берилган илк ҳолис баҳо, мафқураламасан, оддий ва самимий — «Менинг Президентим!» деган каломдир!

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим!» китобидан.

Ўзбекистон касаб
ушмалари
Федерациясида
куну тун
фаолият
кўрсатадиган
қисқа
рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Олимпиада – 2024

ҲАММАСИ ҲАЛИ ОЛДИНДА ёхуд ишончни мустаҳкамлаган мағлубият



Парижда бўлиб ўтаётган Олимпиада доирасидаги илк учрашувда Ўзбекистон футбол терма жамоаси Испания терма жамоасига 2:1 ҳисобида мағлуб бўлди.

Жаҳонгир НАҲАНОВ

Афсуски, юртдошларимиз рақиб жамоа билан теппа-тенг, баъзи жабҳаларда ундан-да кучли ўйин кўрсатган беллашувда испанларнинг кўли баланд келди.

Испанлар сафида Марк Пубиль ҳамда Серхио Гомес гол урган бўлса, вакилларимизнинг ягона голи муаллифи Элдор Шомуродов бўлди. Аслида, биринчи голда Абдуқодир Ҳусанов Фермин Лопеснинг оёғига тегмаган эди. Аммо ҳакам буни фол деб топди ва жарима зарбаси белгилади. Натижада дарвозамиз ишғол қилинди.

Дастлабки ўйин дарвозабонимиз Абдувоҳид Нейматовнинг пенальтини қайтаргани билан ҳам эсда қоладиган бўлди.

Нима бўлганда ҳам, юртдошларимиз ушбу баҳсда ёмон ўйин кўрсатишмади. Ҳар доимгидек, бизга биров омад етишмади, холос.

Балки, бизнинг жамоа турнирни мағлубият билан бошлагандир. Аммо ушбу ўйин ва унда йигитларнинг ҳаракати ҳаммамизнинг ишончимизни мустаҳкамлади. Зотан, рақиб кучли эди. Унга қарши шундай ўйин кўрсатишнинг ўзи ҳам маҳоратнинг бир кўриниши, аслида.

Ҳали барчаси олдинда. Кейинги рақиб – Миср. Ушбу баҳсдан умидимиз катта. Уйлаимизки, футбол бўйича олимпия терма жамоамиз Париждан турнирнинг совриндорлари қаторида қайтишди.

Жадидчилик феномени ва Абдулла Авлоний



4-саҳифада ўқинг



Тарихда биринчи бор

Ўзбек альпинистлари Ўзбекистоннинг энг юқори нуқтаси - мамлакатнинг Сурхондарё вилоятида жойлашган

4668 метр

балиқликдаги чўққига кўтарилди.

Токқа кўтарилиш шимоли-ғарбий томондан амалга оширилиб, у мураккаблиги жиҳатидан 4 А тоифага эга.

Альпинистлар мамлакатимизда содир бўлаётган кенг қўламли ислохотлар ва ижобий ўзгаришларни акс эттиришини назарда тутган ҳолда, ушбу чўққига «Янги Ўзбекистон» номини беришни тақлиф қилди.



«ХОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Хозирги замон ва Янги Ўзбекистон» деб номланган янги китоби чоп этилди.

Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўлаб ташаббусларининг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида тереин ёритиб берилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маълум қилишича, 2024 йил 1 декабрдан янгидан тайинладиган ижтимоий тўловлар, хизматлар ва имтиёзлар «Ижтимоий карта» АТ тизими орқали тақдим этилади.



МАҚСАДИМИЗ - «ЯШИЛ МАКОН»


Таққос

АММО...

Барқарор ривожланиш йўлидаги миллий мақсадларимизни белгилаб олдик. Эндиликда олдимизда 2030 йилгача барқарор ривожланишнинг 16 та миллий мақсади, 125 та вазифани бажаришдек масъулият турибди. «Яшил макон», «Яшил энергетика» ва «Яшил иқтисод» сингари умуммиллий лойиҳаларга «старт» берилганига ҳам анча бўлди. Илк натижалар бор.

доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини кўкартириш орқали яшиллик оламини бойитиш, шаҳарлардаги яшил майдонларни 8 фоиздан 30 фоизгача ошириш ташаббуси таҳсинга лойиқ. Атмосферага зарарли ташланмаларни қисқартириш ҳаракати ҳам бешмарт кетмаслиги аниқ. Агар 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари қуввати 27 гигаваттга чиқарилиб, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми камида 40 фоизга

етказилса, бу борадаги мушкуллар ҳам осонлашади. - Иқлим ўзгариши ҳавотирли глобал таҳдидларни юзага чиқармоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, охириги эллик йилда дунёдаги ўрмонларнинг етмиш фоизи, ҳайвонот дунёсининг қирқ фоизи йўқ бўлиб кетган, - дейди тадқиқотчи Бекзод Нурбеков. - Бу борада Орол фожияси бизга катта сабоқ, Оқибати нақадар аламли эканини ҳис этиб турибмиз.



ГУЛГА БУРКАНАЁТГАН САҲРО

Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Оҳалик тоғ ёнбағри лалмикор майдонлар сирасига киради. Бу ҳудуд йиллар давомида «очилмаган қуриқ» мақомида бўлиб келди. Табиатнинг беназир тухфаси саналмиш адирикларга бирмунча фурсат киё ҳам боқилгани йўқ. Мана, ниҳоят, йиллар давомида қақраб ётган бўз ерга иккинчи ҳаёт бағишлашга киришилди. Худудни ўзлаштириш, табиат имкониятларини ишга солиш мақсадида қабул қилинган махсус қарор асосида «Оҳалик - Окбўйро - Миронкул» туристик-рекреацион зонаси ташкил этиляпти.

Самарқанд туманидаги учта худуддаги йирик қурилиш-ободонлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда, - дейди Маданият, туризм ва спорт ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси раиси Жўшқин Очилов. - Бу жойларда 110 минг нафар сайёҳни қабул қилиш қувватига эга модулли дам олиш масканлари, меҳмонхона, кемпинг, эко уй-жой ва боғлар, чўмилиш ҳавзаларидан иборат мажмуалар қад ростлашга асослар яратилмоқда. Қарийб беш минг гектар камраб оладиган туристик-рекреацион худудда яшовчи 15 минг нафарга яқин аҳолини иш билан таъминлаш имконияти бир неча қарага ошади.

Маълумотларга қараганда, инфратузилмани ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникацияси мақсадлари йўлида 2025-2026 йиллар учун республика бюджетидан 31 миллиард сўм, маҳаллий бюджетдан 8,9 миллиард сўм сарфлангани режалаштирилган. Биргина йўл

инфратузилмасини яхшилаш учун 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши назарда тутилмоқда. Айтиш жоғда 73 минг долларлик 130 та бирламчи лойиҳа шакллантирилиб, узунлиги 6 километрик 3 та тўхташ станциясидан иборат осма дор (канат) йўлагини барпо этиш тараддуди кўрилмоқда. Электр энергияси тармоқлари, сув ва оқова сув тармоқлари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари пухта режа асосида олиб борилади.

Самарқандда бўлган меҳмон тарихий ёдгорликлар, музейлар, «Боқий шаҳар» мажмуаси, туристик қишлоқлар билан танишиш баробарида «Оҳалик - Окбўйро - Миронкул» туристик зонасида, табиат кўйида бўлишига яна бир имкон яратилмоқда. - Туризм индустриясини ривожлантиришнинг асосий шарти соҳага янги инвестицияларни жалб этиш, жаҳондаги энг илғор тажрибалар ва инновацияларни жорий қилишдир, - дейди Жўшқин Очилов. - Бу йўналишда барча имкониятларни ишга солиш - давр талаби бўлса-да, етарлича фойдаланмаслик, борларини асраб-авайлашда ўзбўларчилик бор. Олдинки бир мисол: ханузгача Зарафшон миллий табиат боғи имкониятларидан фойдаланаётганимиз йўқ.



САҲРОГА АЙЛАНАЁТГАН ГУЛЗОР

Дарвоқе, қатор йиллардирки, наботот ва ҳайвонот дунёсига бошпана бўлиб келаётган Зарафшон миллий табиат боғи тобора таназзулга юз тутмоқда. Салкам 2,5 минг гектар майдонни эгаллаган боғ ёнғинлар, тадбиркорлик нобобидаги «ишбилармон»лар тажовузидан зўра сақлаб қолди. 2020-2022 йилларда худудда ноқонуний фаолият юритган 72 нафар тадбиркорнинг фаолиятига суд қарори билан чек қўйилди. Бугунги кунда улардан қолган умумий чандиқлар боғ хуснидаги доғдек кўзга ташланади.

Яхшики, миллий боғдаги ташвишли ҳолат мутасаддилар қулбоғига ҳам етиб борди. 2022 йилда у ўрмон хўжалиги кўмитаси ва вилоят ҳокимлиги тасарруфидан олиниб, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ўтказилди. Хўш, янги тузилмада нима ўзгарди?

- Боғимиз вольтерида 32 бош, очик табиат кўйида «Қизил китоб»га киритилган 125 бош Бухоро хонгули бугўларини кўпайтиришимиз. Шунингдек, боғда 300 турдаги ўсимлик, 200 турдан зиёд (26 тури «Қизил китоб»га киритилган) қушлар бор. Америка ламаси, товус, цесарка (кайсар қуш), оққуш, маймун ва бошқа ёввойи махлуқотлар мавжуд, - дейди Зарафшон миллий табиат боғи илмий ходими Бобожон Мелиев. - Худудда мутасил кузатув, мониторинг ишлари олиб борилди. Ҳайвонларга фотоқопқонлар қўйилган бўлиб, ҳаракати кузатувга олинган.

Айтишларича, бу ерга турли минтақалардан келган туристлар ҳам ташриф буюришар экан. Аммо биз боғда бўлган кунимиз сайёҳларни учратмадик. Қолаверса, дарвозадан кириб бо-

ришдаги манзара, бузилган иморатлар қолдиқлари, қуриган-қовжирган дарахтлардан қишининг эти увушади. Тўғри, боғнинг дарёга яқин қисмида яшил табиатга дуч келиш мумкин, аммо қиравериши бизга кундан-кунга қуриб бораётган ашил масканини эслатади.

Қарийб бир ярим йилдирки, Зарафшон миллий табиат боғи инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш борасидаги ҳамда ўтган йили амалга оширилган режалаштирилган ишлар натижаси сезиларли эмас. Йўлни асфальтлаш, ўралмаган қасабга тўр тўсиқлар ўрнатилиш ва бошқа юмушларнинг барчаси чала бажарилган.

Энг катта муаммо сув билан боғлиқ, - дейди миллий боғ директори ўринбосари Наталья Мармазинская. - Йиллар давомида табиат, қолаверса, инсон омиллари аралашуви боис Зарафшон дарёсининг ўзлаштириш чўқурлашиб, натижада дарёдан сув олишимиз катта муаммога айланган. Бунинг оқибатида худуддаги қўлаб дарахтлар сувсизликдан қуриб, қовжириб борапти.

Афсуски, Самарқанд ахлининг кўз ўнгида чўл бўстонага, бўстон эса саҳрога айланыпти. Бир туп ниҳони парваришда ўстириш қанча меҳнат талаб этишини ким билмайди, дейсиз?! Вақт, харажатни қўяверинг. Ахир, Зарафшон миллий табиат боғидаги дов-дарахтларнинг ўзи кўкариб қолмаган-ку?!

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ЯНГИЛАНИШЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-тур ташкил этилди

Дастлаб журналистлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашидаги ҳар бир бўлим, тармок ва уларнинг ишлари билан таништирилди. Сўнгра кенгаш раиси С.Файезовнинг «Ўзбекистон қасаба уюшмалари - 120 йиллик ишонч ва бирдамлик» мавзусидаги матрузаси тингланди. Раис қасаба уюшмаларининг узоқ йиллик тарихи, ривож, ишчилар муҳофазаси ва бугун олиб борилаётган кенг қўламли ишларга муфассал тўхтади.

«AGROTECH KLASSTER» КОРХОНАСИДА

Шундан кейин ОАВ вакиллари Чирчиқ шаҳрида жойлашган «O'z avtosanoat» акциядорлик жамияти бошқарувидаги «AgroTech Klaster» корхонасига олиб борилди ва бирдамлик мавзусидаги машинасозлик тармоғига аъзо, - деди корхона бош директори маслаҳатчиси Улуғбек Матқаримов. - Ишчиларнинг 22 фоизи - ёшлар, 14 фоизи - аёллар. Тошкент шаҳридан ишга қатновчилар учун бепул автобус

хизмати йўлга қўйилган. Уй-жой масаласида мурожаат қилганларга ҳам имкон қадар қўмақлашади.

Корхонада механик ишлов бериш, пайвандлаш, хомаш тайёрлаш, пресслаш, гальваника, термик ишлов бериш, бўйи ҳамда йиғув цехлари мавжуд. Ишлаб чиқаришда зарарли омиллар борлиги сабаб, меҳнат ҳавфсизлигига эътибор қаратилади. Ишчилар махсус кийим-боши, сўт маҳсулотлари билан таъминланади. Ўз вақтида дам олиш ва даволашни учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

Корхонанинг ўз футбол жамоаси бор. У қўлаб мусобақаларда фаол иштирок этади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ишчи-ҳодимлар хориждаги ҳамкор компанияларда тажриба орттиришади. Хусусан, йил бошидан буюн 10 нафар ишчи-ҳодим Хитой ҳамда Корея республикаларида малака ошириб қайтишди. Корхонага хориждаги ҳамкорларнинг етакчи мутахассислари ҳам тақлиф этилади. Бугун ҳам уларнинг бир неча нафари корхонада ўз тажрибасини ишчилар билан ўртоқлашмоқда.

«СЕВАРСОЙ» - СЕВИМЛИ МАСКАН

«AgroTech Klaster» корхонасидан кейинги манзил «Севарсой» санато-



риеси бўлди. Маҳабатли тоғлар орасида, денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда жойлашган кўркам «Севарсой» тадбир иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Улар хар бир хона, даво муолажалари, спорт машғулоти билан танишиб, дам олувчилар билан суҳбатлашди. - Мен Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келдим, - деди дам олувчилардан бири Захро Мавлонова.

манимиздаги 51-сонли мактабда бошланғич таълим ўқитувчисиман. Менга қасаба уюшмаларидан мана шу санаторийга йўлланма борлигини айтишиганида, жуда қувондим. Чунки «Севарсой»нинг таърифини кўп эшитгандим-да! Журналистлар минерал ванна, кедр бочкаси, туз гури, замонавий ёпиқ бассейн, барча шароитларга эга спорт заллини кўриб, катта таассуротлар олишди.

Пресс-тур

«НИХОЛ»ДАГИ ЖАЖЖИ НИХОЛЛАР

Сўнгги манзил тоғлар кўйидаги «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи эди. Оромгоҳ директори Иброҳим Нурматовнинг айтишича, бугун 4-босқич дам олиш мавсумининг очилиш маросими ўтказилмоқда экан.

- Бу мавсум бошланишида жами 11 минг 423 нафар болани соғломлаштиришга эришдик, - деди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файезова. - Қўриб турганингиздек, барча шароитлар етарли. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йилгидан фарқли ўлароқ, бу йил барча йўлланмаларни онлайн тарзда харид қилиш имкони яратилган. Истовчилар ototdoh.uz сайтидан фойдаланиб, йўлланмаларни олиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан қасаба уюшмалари тасарруфига қасаба уюшма аъзолари учун 50 фоиз тўлов жорий қилинган.

Журналистлар оромгоҳда болалар томонидан тайёрланган кўнгилочар муқий чикишлардан баҳраманд бўлишди. Шундан сўнг дам олувчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечиришди, ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз

ТАЪТИЛЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ШАРТМИ?

САВОЛ: Корхонада таътилни фақат ҳодимнинг аризаси бўйича, таътиллار жадвалини тузмасдан тақдим қилиш жорий қилинган эди. Янги юрист бу нотўғри эканлигини, жадвални тасдиқлаш кераклигини айтди. Бу қанчалик тўғри, уни тузишимиз шартми?

Мастура ГАЙПОВА

Наманган шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 216-моддаси иш берувчига ҳар йили ходимларга меҳнат таътили бериш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, ушбу кодекснинг 228-моддасидан келиб чиққан ҳолда, иш берувчи жадвал тузиш орқали ходимларга таътил бериш навбатини белгилаши керак. Бу ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар учун мажбурий ички ҳужжат бўлиб, микрофирмалар бундан мустаснодир.

Меҳнат кодексининг 505-моддасида микрофирмаларда таътилдан фойдаланишнинг аниқ муддати ҳодим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгилашни қайд қилинади.

Таътиллار жадвали иш берувчининг буйруғи ва ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Бундай жадвал бўлмагани учун иш берувчи Меҳнат инспекциясидан ушбу қоидабузарликни бар-тароф этиш тўғрисида кўрсатма олиши, шунингдек, айбдор мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

Навбатдаги календарь йил бошланишидан аввал раҳбарнинг буйруғи билан таътиллари жадвалини тасдиқлаш лозим. Агар йил бошланган бўлса, барбир, таътиллари жадвалини жорий сана билан тасдиқлаб қўйиш керак.

Саволга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ҳуқуқ инспектори Наргиза АСАДОВА жавоб берди

Эълонлар

Янгийўл туманидаги «БАХТВЕК-ОТАВЕК» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳрида 18.10.2001 йилда Нормухамедов Акбар Анварович номига берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи 13-05/525 рақамли давлат ордери йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда худуддаги барча тармок қасаба уюшма кенгашларининг жамоаси Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси бош мутахассиси Назоқат Махмудовага онаси ШАХРО МАХМУДОВА вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

